

## “Ал-Жомеъ Ас-Саҳиҳ”Даги Тафсир Ривоятига Оид Боблар Тахлили

ИНОЯТОВ Азизхўжа Хайруллоевич<sup>1</sup>

**Аннотация:** Қуръони карим оятларининг тўғри тушунилишида сабаби нузул маълумотларининг аҳамияти маълум. Тафсирларнинг воз кечилмас манбаларидан бири бўлган бундай ривоятлар “ал-Жомеъ ас-саҳиҳ”нинг “Китоб ат-тафсир” бўлимида ҳам келтирилган.

**Таянч иборалар:** Имом Бухорий, “ал-Жомеъ ас-саҳиҳ”, тафсир, оят, шарҳ, манба, Қуръон, ҳадис, тўплам, илмий мерос, муҳаддис, муфассир.

Имом Бухорийнинг “ал-Жомеъ ас-саҳиҳ” асаридаги тафсирга оид боблар, улардаги изоҳларни ўрганиш олимнинг Қуръон оятларини шарҳлашдаги ёндашувини аниқлашда мухим аҳамият касб этади.

Қуръон тафсирига оид бобларнинг умумий сони 1129 та бўлиб, бу “ал-Жомеъ ас-саҳиҳ”даги жами ривоятларнинг учдан бирини ташкил қиласди. Шу билан бирга, оятлар билан бошланувчи китоблар 18 та, тафсир китобидан бошқа бўлимларда 613 ўринда оятлар изоҳланган, тафсир китобида эса изоҳлар сони 516 та. Бу рақамлар Имом Бухорийнинг ўз асарида замондош ҳадис мусаннифларидан фарқли равишда тафсир имкониятларини кенгайтиришга ҳаракат қилганини кўрсатади.

Асардаги бобларни мазмун ва ҳажм жиҳатидан 3 турга бўлиш мумкин. Биринчи турга бир нечта мавзуларни қамраб олган йирик боблар, иккинчисига бир мавзуни ўзида жамлаган ўрта ҳажмдаги боблар, ва ниҳоят, учинчи турга - “боб” сўзи билан кифояланиб, алоҳида ном қўйилмаган боблар киради.

Имом Бухорий “ал-Жомеъ ас-саҳиҳ” асарини ўз илмий изланишлари ва сафарлари давомида жамлаган саҳиҳ ҳадислар орасидан энг ишончлиларини саралаб олган ҳолда ақидавий, фиқҳий ва бошқа масалаларга жавоб бўлиши, уни ўқиган киши ўзи учун ҳукм чиқара олишини кўзлаб ёзган. Асарда ҳадислар бобларга бўлинган ҳолда келтирилган бўлиб, бу ундан фойдаланишни қулаштирган. Бобларнинг номланиши эса, унда келтириладиган ҳадиснинг аввали ёки мухим бўлган кисмидан олинган бўлиб, баъзида ҳадис мавзуси ёки ундан олинадиган ҳукм билан боғлиқдир. Баъзи боб номлари ҳадис ҳукми тўғрисидаги савол кўринишида берилган. Боблар тартиби эса фиқҳий мавзулар билан мувофиқ бўлиб, уларнинг комплекс таҳлили Имом Бухорийнинг фиқҳ илмидаги мартабасини аниқлашда мухим аҳамиятга эга.

Имом Бухорийнинг “ал-Жомеъ ас-саҳиҳ”идаги тафсир ривоятига оид боблар сони кўп бўлишига қарамай, бу бўлимдаги китобларда ривоят ва нақллар жуда озчиликни ташкил қиласди. Бу ҳолат машҳур олти саҳиҳ тўпламларидаги тафсир бўлимига ҳам тегишли. Муҳаддислар билан бир даврда яшаган муфассирлар орасида “тафсир” тушунчасида жиддий фарқ бўлган. Оятларнинг тўғри тушунилишида сабаби нузул маълумотларининг аҳамияти катта. Тафсирларнинг воз кечилмас манбаларидан бири бўлган бундай ривоятлар “ал-Жомеъ ас-саҳиҳ”нинг “Китоб ат-тафсир” бўлимида ҳам келтирилган. Фақат бу оятларнинг мазмун-моҳиятини тушунириш масаласида етарлича ёритилмагани кўзга ташланади<sup>2</sup>.

Имом Нававий ва Имом Ҳофиз Асқалоний Имом Бухорийнинг ҳадисларни тўплашдаги

<sup>1</sup> “Жўйбори Калон” аёл-қизлар ўрта махсус ислом таълим муассасаси директори, исломшунослик фанлари бўйича фалсафа доктори (Phd)

<sup>2</sup> Каранг: Ибн Ҳажар Асқалоний. Фатҳ ал-Борий би шарҳ Саҳиҳ ал-Бухорий. – Ж. 1. – Қоҳира: Дор ад-дайён лит-турос, 1986. – 720 б.



мақсадини қуидаги шархлайдилар: “У фиқхий фойдалар, ҳикматли нұқталар қолиб кетмаслиги учун матнлардан ўзи тушунган күп маңноларни чиқарған ва уларни бобларга ажратған. Ҳадислардаги ҳукмий оятларга эътибор берган, улардан ноёб далилларни чиқарған, уларнинг тафсирига кенг йўллар билан ишора қилиш услубини танлаган”. Демак, бу фикр-мулоҳазалардан Ином Бухорийнинг сахих ҳадислар тўпламини мақсадли равишда жамлаган, деган хулоса келиб чиқади.

Бухорийнинг мақсади “ал-Жомеъ ас-саҳиҳ”да фақат ҳадисларни келтириш билан кифояланмай, ҳадислардан истинбот (хукм чиқариш) ва асар боблари мавзуларидан ўзига хос далил сифатида ҳам фойдаланиш бўлган. Асарнинг бир бобида келтирилган муайян бир ҳадисдан сўнг баъзан: “Фалончининг Пайғамбар (с.а.в.)дан келтирган сўзи” ёки шу каби ибора билан бошланувчи ҳадисларни санаб ўтган. Бошқа ўринларда Куръони каримдан ҳам оятлар келтирилган ёки умуман ҳеч нарса берилмаган.

Ином Бухорий ҳадисларни баён қилишда боблардан олдин мавзуларга доир китобларнинг номларини келтиради. Масалан:

كتاب الإيمان، كتاب الطهارة، كتاب الصلاة، كتاب بدء الولي

яъни: “Ваҳийнинг бошланиш китоби”, “Имон китоби”, “Таҳорат китоби”, “Намоз китоби”<sup>3</sup> каби.

Ином Ибн Ҳажар Асқалоний “ал-Жомеъ ас-саҳиҳ” ичидаги ишлатилган “китоби” (كتاب) сўзи ҳақида шундай фикрни айтган: “Бу сўз “ёзди”, “ёзади”, “ёзмоқ, китоб, хат” (كتب يكتب كتابا) феълининг масдари. Бу феълнинг моҳияти, асоси, “уламоқ”, “қўшмоқ”, “тўпламоқ” маңноларини билдиради. Шунинг учун ҳам маълум бир масалаларни ўзида жамловчи фасл ва бобларга нисбатан “китоб” атамаси ишлатилади. Луғавий жиҳатдан қаралганда, ҳарфларнинг ўзаро улаб ёзилиши тушуниллади. Лекин “боб” (باب) сўзининг асосий маъноси “кириш”, “ўтиш”, “йўлак”, “мундарижа” مدخل маңноларида бўлиб, асарда “китоб” сўзи, “кириш жойи”, мажозий “эшик” маъносида қўлланилган”. Ушбу китоблар остида келтирилган бобларнинг сарлавҳалари эса ўта топқирлик ва фавқулодда заковат билан ишланган.

Бобларга ажратиш алоҳида тадқиқот усули бўлиб, бу араб тилида “табвиб” бобларга, бўлимларга, навларга ажратиш, деб номланади. Шунингдек, “боб” сўзининг ўзаги “суқун, асвақун” (سوق، أبواب) яъни бозор вазнидаги “бубун, абвабун” (بوب، أبواب) эшик сўзидан олинган. Кейинчалик бу сўзининг ўрта ўзаги иллат-касал ҳарф бўлганлиги учун грамматик қоидалар асосида باب “боб” шакли ҳосил қилинган.

Ином Бухорийнинг “ал-Жомеъ ас-саҳиҳ” китоби жомеъ йўналишидаги китобларнинг шартидан келиб чиқиб, ислом илмларининг муҳим мавзуларни ўз ичига олган. Асар тафсири илмига доир ривоятлар, шаръий аҳкомлар, ақида илми масалалари, фиқхий масалаларга оид ривоятлар, қулдорлик, тарих ва сийрат, фитналар, маноқиб ва фазилатлар каби масалаларни жамлаган китоблар сирасига киради.

“Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ”нинг тафсири бўлимидағи ривоятлар мазмуни жиҳатидан ўша даврда ёзилган ривоят тафсириларидан фарқ қиласи. Ўз даврининг ривоят тафсири асарларида билвосита оятларнинг мазмунини очиб берувчи хабарлар жуда кўп нақл қилинган бўлса, Ином Бухорийнинг тафсири бўлимида бундай ривоятлар сони озчиликни ташкил этган. Аслида бу ҳолат тафсири бўлимига эга бўлган Ином Термизийнинг “Сунан”и, Ином Насойининг “ас-Сунан ал-кубро” асари каби бошқа ҳадис асарларига ҳам тегишилдири.

Ином Бухорий “ал-Жомеъ ас-саҳиҳ”нинг “Тафсири” китобида Қуръон оятларини шархлаш мақсадида келтирган ривоятлари мавжуд. Булар боб мавзуларида таълиқ шаклида, матнда эса санадли ҳолда зикр қилинган. Бунда ҳадис тўпламининг асл матнидан жой олган тафсирга оид ривоятларини кўриш мумкин. Муҳаддиснинг бу турдаги ривоятларни нақл қилишининг бир

<sup>3</sup> Ибн Ҳажар Асқалоний. Фатҳ ал-Борий би шарҳ Саҳиҳ ал-Бухорий. – Ж. 1. – Кохира: Дор ад-дайён лит-турос, 1986. – Б. 14.



намунаси “Тахрим” сурасининг: “Эй, *Пайғамбар! Нега хотинларингизнинг розилигини истаб, Аллоҳ Сиз учун ҳалол қилган нарсани (асални) ҳаром қилиб олурсиз?*”<sup>4</sup> мазмунидаги илк оятига бағишланган бобида баён этилган. Бу ерда Имом Бухорий Ибн Аббоснинг Муоз ибн Фадола – Ҳишом – Яхё – Ибн Ҳаким – Саъид ибн Жубайр санади билан келган оятдаги “ҳаром” сўзи ҳакида “каффорат беради” (بکفر) деган изоҳини келтиради. Ўша ривоятнинг давомида яна Ибн Аббоснинг “*Аллоҳнинг Расулида сизлар учун яхши намуна бор*” оятини ўқигани ҳакида маълумот ҳам жой олган<sup>5</sup>.

Оятларнинг бевосита изоҳини қамраб олган ривоятлар нақлининг бошқа бир мисоли “*Эй, имон келтирганлар! Сизларга ўлдирилган кишилар учун қасос (олиши) фарз қилинди: озод киши муқобилига озод кишидан, кул учун қулдан, аёл киши учун аёлдан. Биродари томонидан авф этилса (хун тўлашига рози бўлинса), у ҳолда яхшилик билан бўйин суниши ва хунини яхшилаб тўлаши (зарурдир)...*”<sup>6</sup> оятининг изоҳи борасида келтирилган. Мусанниф бу оят ҳакида Ибн Аббоснинг Ҳумайдий – Суфён – Амр – Мужоҳид санади билан нақл қилинган ривоятини келтирган: “*Исроил авлодларида қасос бор эди. Фақат уларда дия йўқ эди. Аллоҳ бу уммат учун “Сизларга ўлдирилган кишилар учун қасос (олиши) фарз қилинди: озод киши муқобилига озод киши ...*” оятини нозил қилди”.

“Афв” қасдан одам ўлдирилганда (ўлдирилган кишининг валийи) дияни қабул қилишидир. “فاتياع بالمعروف وأداء إلية بحسان” ифодаси “Урфга (ақлнинг ва диннинг тақозосига) мувофиқ ҳаракат қилиш ва яхшилик билан адо қилиш” дейилган. (Бу Роббингдан бир енгиллик ва раҳматдир) ифодаси “Сизлардан олдинги умматларга амр қилинган масалаларда (қилинган бир енгиллаштирганлар)” дегани. (Ким бундан сўнг ҳаддан ошса, унга аламли азоб бор) ифодасини “дияни қабул қилгандан сўнг ўлдирса” дегани<sup>7</sup>.

Бу мисолда Имом Бухорий оят мазмунини бевосита изоҳлайдиган тафсир ривоятини келтирган. У бобда келган бир хабар кетидан бошқа ривоятнинг икки хил вариантини зикр қилган. Ривоятларнинг нисбатан батафсилида Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг бир жориянинг олд тишларини синдириган Рубайга қасосни татбиқ этгани ёритилган. Абдураззоқ бу оятнинг тафсирида “ал-Жомеъ ас-саҳих”даги ҳолатга ишора қиласидан ривоятни зикр қилмаган<sup>8</sup>. Аксинча, оятнинг нозил бўлиш сабаби ҳакида маълумот берувчи хабарлар билан уни янада батафсил ёритадиган ва изоҳлайдиган жуда кўп тафсир ривоятларини келтирган. Имом Бухорий нақл қилган хабар Табарий ва Ибн Абу Хотимнинг “Тафсир”ида ҳам мавжуд. Шундай экан, ривоятларни оятларга боғлаш масаласида Имом Бухорийнинг шахсий таржихининг олдинга чиқарган. Мазкур услубдан кейинги давр тафсирларида юқоридаги оятга доир жуда кўп масалалар ёритища қўлланилганини кўриш мумкин. Масалан, Қуртубий қасосни ким амалга ошириши, озод киши-қул, мусулмон-кофир, аёл-эркак орасидаги қасоснинг шартлари каби ўн етти масалани ривоятлар негизида таҳлил қилган<sup>9</sup>.

“Ал-Жомеъ ас-саҳих”да нақл қилинган тафсир ривоятларининг мавзуни атрофлича очиб беришга етарли эмаслиги аён бўлади. Аслида, Имом Бухорийнинг бундай мақсади бўлмаган бўлиши ҳам мумкин. Ҳар қандай ҳолатда ҳам Имом Бухорийнинг тафсир анъанасидан фарқли бир услубни қўллагани кўриниб турибди.

Ҳадис тўпламларида тафсир ривоятларининг етарли миқдорда келтирилмаслигини уларнинг

<sup>4</sup> Қуръони карим. “Тахрим” сураси, 1-оят. // Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири / Таржима ва тафсир муаллифи А.Мансур. – Т.: Тошкент ислом университети, 2018. – Б. 560.

<sup>5</sup> Ибн Ҳажар Асқалоний. Фатху ал-Борий. – Байрут: Дор ал-Маърифа, 1373. – Ж. 8. – Б. 656. (бундан кейин: Фатх ал-Борий.).

<sup>6</sup> Қуръони карим. “Бакара” сураси, 178-оят.// Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири / Таржима ва тафсир муаллифи А.Мансур. – Т.: Тошкент ислом университети, 2018. – Б. 27.

<sup>7</sup> Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий. Ал-Жомеъ ас-саҳих. – Дамашқ: Дор Ибн Касир, 2002. – Б. 1112.

<sup>8</sup> Абу Бакр ибн Абдурраззоқ ибн Ноғеъ Ҳумайрий. Тафсиру Абдурраззақ. / Маҳмуд Муҳаммад Убда таҳқики. – Байрут: Дор ал-қутуб ал-илмийя, 1419/1998. – Ж. 1. – Б. 68.

<sup>9</sup> Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад Шамсуддин Қуртубий. Ал-Жомиъ ли аҳкам ал-Қуръан. / таҳқик: Ҳишам Самир А. ар-Риёд: Дор аълам ал-қутуб, 1423/2003. – Ж. 2. – Б. 244.



кўпи мақтуъ, марфуъ ҳадислар бўлгани, ривоятлар умумий сонининг тўрт фоизини ташкил этиши билан изоҳлаб бўлмайди. Зеро, ҳадис асарларида марфуъ тафсир ривоятларининг ҳам кўпини учратиш қийин<sup>10</sup>. Тафсир ривоятларининг тўпламларда кам келтирилиши бу хабарларнинг фақат ҳадис усули мезонларига қўра заиф бўлиши билан ҳам изоҳланмайди. Аслида бу ҳолат тафсир ривоятига оид умумий бир қоидани акс эттиради. Бу ҳам мазкур турга оид ривоятларнинг бирма-бир таҳлил қилинмагани ва энг камида асосий ҳадис асарларида одатда улардан узокроқ турилган, деган фикрга асос бўлади. Имом Бухорийга замондош бўлган муҳаддисларнинг сихҳат мезонлари нисбатан қаттиқ бўлмаган асарларида ҳам ривоятларни кўпайтиришдан қочилганини қўриш мумкин.

Масалан, тафсирларда “Юсуф” сурасига оид Ибн Масъуд, Саъд ибн Аби Ваққос ва Ибн Аббос каби бир қанча саҳобийдан келган бир ривоят нақл қилинган: “*Ё Расулуллоҳ! Бизларга бир қисса айтиб берсангиз*”, – деганлар. Шунда “*Биз Сизга ушбу Қуръон (сураси)ни вахий қилишимиз билан бирга гўзал қиссани айтиб берурмиз*” ояти нозил бўлди”. Имом Табарий (ваф. 310/922), Ибн Абу Хотим (ваф. 327/938) ва Саълабий (ваф. 427/1035) каби илк давр муфассирларининг асарлари билан кейинги давр тафсирларда нақл қилинган бу ривоят асосий ҳадис тўпламларининг ўзида зикр қилинмаган. Бу ривоятни фақат Ибн Хиббонинг “Саҳиҳ”и, Ҳокимнинг “Мустадрак”и ва Абу Яълонинг (ваф. 307/919) “Муснад”и каби “Кутуби сунта” – олти энг ишончли ҳадис тўпламларидан бошқа асарларда учратиш мумкин<sup>11</sup>.

Имом Бухорийнинг “Китоб ат-тафсир”ида “*Сен юзланган жой (Каъба)ни биз фақат Пайғамбарга эргашганни орқасига қайтганлардан ажратиш учун қиблла қилдик*” оятига бағишлиланган бобда ажойиб намунани қўриш мумкин. Мусанниф қибланинг ўзгаришига оид ушбу оят ёрдамида фақат Ибн Умарнинг оят нозил бўлган мухитни ва оқибатларини ёритган қўйидаги ҳикояни нақл қилган: “*Инсонлар Қубо масжидида бомдоҳ намозини ўқиркан, бир киши келиб: “Аллоҳ пайғамбарга Каъбага юзланиши учун Қуръон нозил қилди. Ўша томонга юзланинг”, – деди. Шунда (намоз ўқиётган) инсонлар ҳам юзларини Каъбага ўгирганлар*”<sup>12</sup>.

Имом Бухорий кейинги оятнинг тафсирида ҳам шунга ўхшаш бир ёндашувни тақдим қилган. “*Эй, Мұхаммад! Гоҳо юзингизни (важий кутиб) осмон бўйла бўйла ўғириб туришингизни кўраяпмиз*” ояти билан Анас ибн Моликнинг олдинги амалиётнинг қатъий бекор қилинганини маълум қилган қўйидаги сўзига бағишлиланган: “*Икки қиблага (Қуддус ва Каъба) қараб намоз ўқийдиган мендан бошқа ҳеч ким қолмади*”<sup>13</sup>.

Имом Бухорий оят нозил бўлган мухитни ва унинг нозил бўлиш омилларини тасвиirlайдиган бу ривоятларни келтирса, Аллома Абдураззоқ<sup>14</sup> ва Табарий<sup>15</sup> тафсирларида оятдаги жуда кўп масалаларни очиб берадиган ривоятларни зикр қилганлар. Шу билан бирга, Имом Бухорий мисол сифатида нақл қилган ушбу икки ривоятни мазкур уч муфассирдан ҳеч бири асарларида зикр қилмагани ҳам диққатга сазовор. Бу эса Имом Бухорийнинг тафсир анъанасида эркин ҳаракат қилганига ишора қиласди.

Умуман олганда, Имом Бухорийнинг “Тафсир китоби” тарожумларини номлашдаги ўзига хос истинбот усули “ал-Жомеъ ас-саҳиҳ”идаги тафсир ривоятига оид бобларда ҳадисларни мавзусига қўра турли бобларга бўлиб тартиблаш орқали амалга оширилган. Тўрт мингга яқин боб номлари ўзига хос мақсадга хизмат қилган бўлиб, кўп ҳолларда ҳадисдан олинадиган

<sup>10</sup> Akif Koç, Tefsirde Bir Kaynak İncelemesi, es-Sa’lebî Tefsirinde Mukâtil b. Süleyman Rivayetleri. Kitabiyat. – Ankara, 2005. – S. 13.

<sup>11</sup> Türçan Z. Hadis rivayet geleneği ve tefsir-Sahîhu'l-Buhârî'nin Kitâbu't-tefsîr'i Örneği // Necmettin Erbakan Üniversitesi İlahiyat Fakültesi Dergisi. – 2010. – T. 29. – C. 269.

<sup>12</sup> Қуръони карим. “Бақара” сураси, 144-оят. / Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири / Таржима ва тафсири муаллифи А.Мансур. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2018. – Б. 17.

<sup>13</sup> Бухорий. Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ – Б. 17.

<sup>14</sup> Абу Бакр ибн Абдураззоқ ибн Нофеъ Хумайрий. Тафсир Абдураззақ. / Маҳмуд Мұхаммад Убда таҳқиқи. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийя, 1419/1998. – Ж. 1. – Б. 61-62.

<sup>15</sup> Табарий. Жомеъ. – Ж. 3. – Б. 172.



хукмларни боб номида акс эттирган.

### Адабиётлар рўйхати

1. Sandıkçı S. Kemal. İlk Üç Asırda İslâm Coğrafyasında hadis // DİB. – Ankara, 1991. – S. 447-448.
2. Ибн Абу Ҳотам Абдураҳмон ибн Муҳаммад ибн Идрис ибн Мунзир Тамимий Ҳанзалий Розий. ал-Жарҳ ват-таъдил. – Байрут: Дор ал-кутуб алилмия, 1953. – Ж. 5. – Б. 162.
3. Олтин силсила: Саҳихул Бухорий. – Т.: Hilolnashr, 2013. – Ж. 1. – Б. 65.
4. Ҳожи Ҳалифа. Кашф аз-зуннун ан асомий алкутуб вал-фунун. – Байрут.: Дор ихё ат-туроқ ал-арабий, 2008. – Ж. 1. – Б. 443.
5. Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий. Холқу афъал ал-бад. / Абдураҳмон Умайра таҳқиқи. – Жидда: Дор ул-Укоз. – Б. 23.
6. Абу Бакр ибн Абдурраззоқ ибн Нофеъ АлХумайрий. Тафсир Абдурраззақ / Маҳмуд Муҳаммад Убда таҳқиқи. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 1419/1998.
7. Selim Türçan. İlk Dönem Kur'an Tasavvuru ve Dönüşümü. Kimlik ve Kitâb İlişkisi Bağlamında. – Ankara: AÜSBE, 2007. – S. 305–306.
8. Муҳаммад ибн Жарир ат-Табарий. Жомеъ ул баён ъан таъвили айил-Қуръан./ Аҳмад Муҳаммад Шокир таҳқиқи. – Байрут: Muassasatu-r-risala. 1420/2000. – Ж. 19. – Б. 94-95.
9. Мужоҳид ибн Ҳажар. Тафсир ал-Имам Мужаҳид ибн Ҳажар. Дор ул-кутуб ал-илмия. – Байрут. 2005.
10. Sufyan ibn Said Sevriy. Tefsir us-Savriy. – Dehli: Rampor, 1965. – P. 16.
11. Абдураззоқ ибн Ҳаммом Саноний. АлМусаннаф. – Қоҳира: Дор ат-таъсил, 2015. – Ж. 9. – Б. 78.
12. Абдуллоҳ ибн Абдуссомад Доримий. Муснад ад-Доримий.– ар-Риёд: Дор ал-Муғни, 2000. – Ж.4. – Б. 274.
13. Zişan Türçan. Üçüncü Asır Hadis Musannefâtı Üzerinde eş-Şâfiî'nin Etkisi // Hadis Tetkikleri Dergisi. C. VII/1, 2009. – S. 87–100.
14. Хатиб Бағдодий. Ал-Жомеъ ли ахлақи-р-ровий ва адабу-с-сомеъ. /Маҳмуд Тахҳон таҳқиқи. – ар-Риёд: Мактабату-л-маориф, 1983. – Ж. 2. – Б. 162.
15. Суютий. Ал-Итқон. – Ж. 2. – Б. 189.
16. Herbert Berg. The Development of Exegesis in Early Islam. The Authenticity of Muslim Literature from the Formative Period, Richmond (Surrey). – Curzon, 2000. – P. 142.
17. İsmail Cerrahoğlu. Tefsir Tarihi. DİB. – Ankara: Yay, 1988. – C. I. – S. 107.

